

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

ЯРМУХАМЕДОВ АЛИШЕР САЛИДЖАНОВИЧ

**ЭРКАКЛАРДА БИРЛАМЧИ БЕПУШТЛИК ПАТОГЕНЕЗИДА
ИММУНО-ГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАР: ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШГА ЁНДАШУВЛАР**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.31 - Урология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Ярмухамедов Алишер Салиджанович Эркакларда бирламчи бепуштлик патогенезида иммуно-генетик механизмлар: ташхислаш ва даволашга ёндашувлар.....	3
Ярмухамедов Алишер Салиджанович Иммуно-генетические механизмы в патогенезе первичного бесплодия у мужчин: диагностика и подходы к лечению.....	31
Yarmukhamedov Alisher Salidzhanovich Immuno-genetic mechanisms in the pathogenesis of primary infertility in men: diagnosis and treatment approaches.....	59
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	62

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ

ЯРМУХАМЕДОВ АЛИШЕР САЛИДЖАНОВИЧ

**ЭРКАКЛАРДА БИРЛАМЧИ БЕПУШТЛИК ПАТОГЕНЕЗИДА
ИММУНО-ГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАР: ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШГА ЁНДАШУВЛАР**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология
14.00.31 – Урология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.DSc/Tib820 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:	Арипова Тамарахон Уктамовна тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик
	Гайбуллаев Асилбек Асадович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Уразметова Маиса Дмитриевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Гамидов Сафар Исроилович тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Исмаилова Гули Аманджановна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс: +99871-207-08-30, e-mail: immunologiya@qip.ru.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

З.С.Камалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.П. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А.Исмаилова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Дунёда бугунги кунда эркаклардаги бепуштлиқ муаммолари долзарб тиббий ва ижтимоий муаммо ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «... хозирда бутун дунё бўйлаб 60-80 миллион жуфтлик бепуштлиқдан азият чекмоқда, бепуштлиқнинг барча ҳолатларида 40-50% "эркак омил" бепуштлиги билан боғлиқ бўлмоқда»¹. Сўнгги йилликларда турмуш тарзи ва атроф-муҳит омилларининг организмга таъсирининг сезиларли даражада кўпайиши туфайли эркакларда репродуктив фаолияти бузилишига олиб келмоқда. Бирламчи бепуштлиқни ёшариб бораётгани натижасида муаммо тобора кўпроқ ижтимоий аҳамият касб этиб бормоқда. Эркаклар репродуктив фаолияти бузилиши юқорилиги ўз навбатида, ушбу патологияни эрта ташхислаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида репродуктив ёшдаги эркакларда бирламчи бепуштлиқни ривожланишини олдини олиш, уни эрта босқичда ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада репродуктив ёшдаги эркакларда бепуштлиқкелиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, бепуштлиқка олиб келадиган муҳим генетик маркерларни аниқлаш, ирсий мойилликда биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, эркаклар организмнинг физиологик ўзгаришларига олиб келувчи омилларни аниқлаш; қонда айрим биокимёвий ва гормонал кўрсаткичлар ҳолатини баҳолаш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир бирламчи бепуштлиқ хавфини эрта ташхислаш, олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш ҳамда даволаш чора-тадбирларининг замонавий усулларини ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан жуфтликлардаги бепуштлиқка олиб келадиган омилларни аниқлаш, эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти таъсирдор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига маалакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, репродуктив ёшдаги эркакларда бирламчи бепуштлиқни ривожланишига таъсир қилувчи омилларни янги жиҳатларини аниқлаш ва даволашнинг

¹ World Health Organization website, 2017., <http://www.who.int/healthinfostatistics>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

юқори самарали замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Эркакларда бирламчи бепуштлиқ патогенезида иммуно-генетик механизмларни аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: жумладан, Faculty of Medicine (Норвегия), Department of Pathology of Cambridge (Буюк Британия), University of Mississippi Medical Center (АҚШ), Harvard Medical School (АҚШ), Ankara University (Туркия), University of British Columbia (Канада), Weill Cornell Medical College (Англия), Monash University (Австралия), Jiao Tong University, Shandong University (Хитой); Tzu-Chi University, National Yang-Ming University, National Chiao-Tung University, Fong-Yuan Hospital (Тайван); Comenius University (Словакия); Казань тиббиёт институти (Россия), Тошкент тиббиёт академияси ва Иммунология ва инсон геномикаси институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда эркакларда бирламчи бепуштлиқни ташхислаш ва даволашга ёндашувлар бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: сперматогенез функция бузилиши ва бирламчи бепуштлиқ эркак гормонлари даражасининг камайиши аниқланган (University of Oxford, Англия; Harvard Medical School, АҚШ; Hacettepe University, Туркия; University of British Columbia, Канада); фертил ёшдаги эркакларда эндокрин касалликлар бепуштлиқка олиб келиши аниқланган (Melburne University, Австралия; Козон тиббиёт институти, Россия Федерацияси); фертил ёшдаги

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа манбалар.

эркакларда бепуштлик ривожланишида буйрак усти безлари ҳолатидаги ўзгаришларга боғлиқлиги аниқланган (Hacattepe University, Туркия; University of British Columbia, Канада); эркаклар бирламчи бепуштлиги патогенезида биокимёвий кўрсаткичлари ўзгариши муҳим омил эканлиги исботланган (Xinxiahg Medical University, Хитой; Weill Cornell Medical College, Англия); эркаклар бирламчи бепуштлик ривожланиш ҳавфининг махсус иммуногенетик маркерларини аниқланган (Instituto Nacionalde Perinatologia Isidro Espinosadelos Reyes, Мексика).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида эркакларда бирламчи бепуштликни ташхислаш ва даволашга ёндашувлар ва иммуно-генетик механизмларни аниқлаш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, бепуштликка сабаб бўлувчи ҳавф омилларини аниқлаш; эркакларда идеопатик бирламчи бепуштликнинг ривожланишига ирсий мойиллиги мавжудлигини аниқлаш; бирламчи бепуштликнинг ривожланишидаги аҳамиятли иммунологик ва гормонал омилларни аниқлаш; касалликни ташхислашда биокимёвий ва иммунологик маркерларини аниқлаш; қонда айрим биокимёвий ва гормонал кўрсаткичлар ҳолатини баҳолаш; бепуштликнинг иммуно-генетик маркерларини аниқлаш; касалликни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш, бирламчи бепуштликнинг даволаш-профилактик тадбирларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эркакларнинг бирламчи бепуштлиги ривожланишида иммунитет механизмлари ва генетик мойиллик муҳим аҳамиятга эга. Эркак танасидаги баъзи патологик жараёнлар ўз сперматозоидига қарши антитаналар ишлаб чиқаришни кўзғатиши мумкин. Кўпинча бу уруғ йўлларидаги ўзгаришлар, ташқи жинсий органларнинг шикастланиши, варикодел, сперма шнурининг буралиши ва жинсий безларнинг яллиғланиши билан содир бўлади [NieschlagE., BehreH. 2018].

Эркаклардаги бепуштликдаги эндокрин касалликларнинг этиопатогенези нафақат марказий асаб тизими, жинсий безлар, ёрдамчи жинсий безлар, балки нейроэндокрин тизим тузилмалари - буйрак усти безлари, қалқонсимон без, ва симпатоадренал тузилмалардаги ўзгаришларга боғлиқ. Эндокрин касалликларни аниқлаш ва бепуштлик генезини аниқлаш учун қондаги гормонлар даражасини аниқлаш керак бўлиши мумкин: фолликулларни стимулловчи гормон (ФСГ), лютеинлаштирувчи гормон (ЛГ), тиреотроп гормон (ТТГ), кортизол, умумий тестостерон, эстрадиол, пролактин, жинсий стероидларни боғлайдиган глобулин [Пашкова Е.Ю., Калинин С.Ю. 2013]

Баъзи инфекциялар сперма ишлаб чиқаришга ёки соғлом сперматозоидларга халақит бериши мумкин, шунингдек, сперма ўтишига тўсқинлик қиладиган чандиқларга олиб келиши мумкин. Буларга эпидидимис (эпидидимит) ёки мойяклар (орхит) яллиғланиши, шунингдек, жинсий йўл билан юқадиган баъзи инфекциялар, шу жумладан гонорея ёки ОИВ киради. Баъзи инфекциялар мойякларга доимий зарар етказиши мумкин бўлса-да, сперма кўпинча тикланиши мумкин [Boeri L., Pederzoli F.2020].

МБ нинг энг кенг тарқалган генетик сабаблари, уларни аниқлаш одатий тиббий амалиётда мумкин бўлган хромосомаларнинг қайта тузилиши, Y хромосомасининг AZF минтақасининг ўчирилиши ва CFTR генининг мутациялари [Martin R.H., Zhang F. 2017]

Буларнинг барчаси муаммонинг аҳамиятини, ушбу йўналишда чуқур тадқиқотлар олиб боришнинг муҳимлигини белгилайди, унинг ечими патогенези иммунологик ва генетик механизмларининг фундаментал моҳиятини тушунишга ёрдам беради, шу асосда профилактика, шунингдек, ушбу беморларни даволашни оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш, башоратлаш чораларини ишлаб чиқишни таъкидлайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Иммунология ва инсон геномикаси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ ПЗ-20170920260 «Эркакларда турли генезга эга фертилик ривожланишида иммуногенетик омилларни баҳолаш ва бепуштликни ташхислаш ва даволашга дифференциал ёндашув усуллари ишлаб чиқиш» (2018–2020 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эркакларда бирламчи бепуштликни иммуногенетик механизмларни аниқлаш ҳамда ташхислаш ва даволашга ёндашувларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лаборатория, клиник ва цитоморфологик белгиларга кўра этиологик омилга қараб эркакларда бирламчи бепуштлик тузилмасини аниқлаш;

туғма ва адаптив иммунитет кўрсаткичларининг (периферик қон, уруғ плазмаси) эркакларда бирламчибепуштлик ривожланиш механизмларида аҳамиятини аниқлаш;

бирламчи бепушт эркакларда тизимли ва маҳаллий цитокинлар ҳолатини аниқлаш ва уларнинг бепуштлик ривожланишига бўлган таъсирини баҳолаш;

бирламчи бепуштли эркакларда аутоиммун ва оксидланиш ҳолати кўрсаткичларини аниқлаш;

соғлом вабирламчи бепушт эркакларда CFTR ва AZF генларининг полиморф вариантлари аллел ва генотиплари учраши даражасини аниқлаш;

келиб чиқиши турли хил бўлган фертиллиги бузилган эркакларда энг муҳим иммунологик, генотипик ва фенотипик ўзгаришларни комплекс баҳолаш;

бепуштлик ривожланиши ва зўрайишининг энг муҳим омиллар асосида патологиянинг кечишини башоратлаш, олдини олиш ва даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2022 йилларда Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш маркази клиникасида даволанган келиб чиқиши турлича бўлган 338 нафар бирламчи бепушт эркаклар ва 20 нафар амалий соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар веноз қони ва зардоби, эякуляти иммунологик ва молекуляр-генетик тадқиқотлар учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда анамнестик, умумклиник, инструментал, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

барча текширилган бирламчи бепуштлиги бўлган эркаклар қон зардобидида ингибин В, спермоплазмада фруктоза, цитрат ва цинк ионлари миқдорининг ишонарли камайиши ва секретор бепуштликда ФСГ ва ЛГ гормонлари миқдорининг ортиши касаллик клиник кечиши билан тўғри пропорционал боғлиқлиги аниқланган;

илк бор бепуштликнинг эскретор шакли табиий киллер (ТК) хужайралар сони, IL-2, IL-6 ва TNF α цитокинлар миқдорининг ишонарли ортиши, секретор шакли эса CD25+ лимфоцитлар сони, IL-6 ва TNF α цитокинлар миқдорининг ортиши фонидида табиий киллер (ТК) хужайралар сони ва IL-2 миқдорининг ишонарли камайиши шароитида ривожланиши исботланган;

илк бор эркакларда бирламчи бепуштлигини ривожланишида CFTR генини “оғир” мутацияларининг CFTR_F508del (OR \geq 10,252 Wald 95% CI: 1.279 >10.252 > 82.155, $\chi^2 \geq 7,198$) полиморфизми ва CFTR_W1282X (OR \geq 7,33 и Wald 95% CI: 0.849 >7 > 57.694, $\chi^2 \geq 4,37$) полиморфизмининг аҳамияти аниқланган;

илк бор бирламчи бепуштлик билан касалланган эркаклар гуруҳидаги CFTR генининг N1303K полиморфизми ($\chi^2 \geq 3,44$; OR $\geq 5,95$) ишонарли аҳамиятли эмаслиги, аммо кўп сонли текширувларда ушбу тенденциянинг сақланиши, эркакларда бепуштликни башорат қилиш маркери бўлиши мумкинлиги асосланган;

илк бор турли генезли бирламчи бепуштлиги бўлган ўзбек популяциясидаги эркакларнинг Y хромосомасида аниқланган AZFb: sY127, AZFa: sY86 ва AZFc: sY254 делеция минтақалари ўзаро ишонарли даражада фарқли эмаслиги, аммо сперматогенезни бўзилишининг маҳсус маркери бўлганлиги учун ноҳуя башорат аҳамиятга эгалиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор турли генезли бирламчи бепуштлиги бўлган эркакларда спермоплазманинг биохимик кўрсакчлари (фруктоза, лимон кислотаси, цинк ионлари), оксидатив стресс кўрсакчиси (СОД) ва сперматогенезни тартибга солувчи гормонларни (ФСГ, ЛГ ва Т) миқдорининг аниқлаш асосланган;

илк бор бепуштликнинг барча шаклларида иммунокомпетент хужайралар (ТК, CD25+) ва цитокинлар (IL-2, IL-6 ва TNF α) миқдорини аниқлаш исботланган;

бирламчи бепуштлиги бўлган эркакларда CFTR генининг CFTR_F508del CFTR_W1282X полиморфизмлари учраши даражасини аниқлаш асосланган;

бирламчи бепуштлиги бўлган эркакларда касаллик кечишини прогнозлаш ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник - анамнестик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, эркакларда бирламчи бепуштликни иммуно-генетик механизмларни аниқлаш келгусидаги тадқиқотларни янада ривожлантириш имкониятини беради, ингибин В, фруктоза ва цинк ионлари миқдорининг камайиши ва секретор бепуштликда ФСГ ва ЛГ гормонлари миқдорини ортиши, иммунокомпетент хужайралар (ТК, CD25+) ва цитокинлар (IL-2, IL-6 ва TNFa) миқдорини ортиши, бирламчи бепуштлиги бўлган эркакларда CFTR генининг CFTR_F508del CFTR_W1282X полиморфизмлари учраши даражасига боғлиқлиги бирламчи бепуштликнинг молекуляр-генетик асослари ҳамда патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бирламчи бепуштликда гормонлар миқдори, иммун тизим кўрсаткичларини (иммунокомпетент хужайралар ва цитокинлар) миқдорини аниқлаш асосланганлиги, турли генездаги бепуштликни репродуктив ёшдаги эркакларда касаллик шакли ва кечишига хос даволаш учун баённомалар ҳамда прогнозлаш ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқилганлиги касаллик асоратларини олдини олиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иммунология ва инсон геномикаси институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 27 ноябрдаги № DSc 5a-2/003-сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: барча текширилган бирламчи бепуштлиги бўлган эркаклар қон зардобиди ингибин В, спермоплазмада фруктоза, цитрат ва цинк ионлари миқдорининг ишонарли камайиши ва секретор бепуштликда ФСГ ва ЛГ гормонлари миқдорининг ортиши касаллик клиник кечиши билан тўғри пропорционал боғлиқлиги аниқланган; **илмий янгиликнинг аҳамияти:** касалликнинг шаклланиши ва унинг оқибатида юзага келган бепуштлик билан асоратланиши қон зардобиди ингибин В, фруктоза ва цинк ионлари миқдори ва секретор бепуштликда ФСГ ва ЛГ гормонлари миқдорини баҳолаш муҳим роль ўйнаган; **илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Тошкент шаҳар “Медиофарм ЭКО” репродуктив саломатлик хусусий клиникаси амалий фаолиятига жорий қилинган(Иммунология ва инсон геномикаси институтининг 2023 йил 22 сентябрдаги DSc 4a-1/003-сонли маълумотномаси); **илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги**

қуйидагилардан иборат: илмий натижаларнинг жорий қилиниши эркаклар бепуштлигини эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини амалга ошириш, касаллик асоратларини камайтириш, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, касалхонада даволаниш давомийлигини қисқартириш ҳамда бепуштликдан халос бўлишга имкон яратган; **илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Тошкент шаҳар “Медиофарм ЭКО” репродуктив саломатлик хусусий клиникаси амалий фаолиятига жорий қилинишида касалликни коррегишда 1 даволаниш курси шуни кўрсатдики, бир бемор учун самарадорлик 140351 сумни, эркаклар жинсий тизими ёрдамчи безлари фаолиятини ташхислашда иқтисодий самарадорлик 1 400 000 сўмни ташкил қилган; **хулоса:** Ярмухамедов Алишер Салиджановичнинг «Эркаклар бепуштлигини коррегирлаш усули» ва «Бепуштликда эркаклар жинсий тизими ёрдамчи безлари фаолиятини ташхислаш алгоритми» номли услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 декабрдаги 8н-з/521-сонли маълумотномаси).

иккинчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор бепуштликнинг экскретор шакли табиий киллер (ТК) ҳужайралар сони, IL-2, IL-6 ва TNF α цитокинлар миқдорининг ишонarli ортиши, секретор шакли эса CD25+ лимфоцитлар сони, IL-6 ва TNF α цитокинлар миқдорининг ортиши фонида табиий киллер (ТК) ҳужайралар сони ва IL-2 миқдорининг ишонarli камайиши шароитида ривожланиши исботланган; **илмий янгиликнинг аҳамияти:** бепуштликнинг экскретор ва секретор шакллари иммунокомпетент ҳужайралар (ТК, CD25+) ва цитокинларнинг (IL-2, IL-6 ва TNF α) иммун жавоб фаолияти ҳосил булиб патологик жараённинг табиати, унинг кучайиши ва ривожланишига боғлиқлиги тарзида намоён бўлади; **илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Тошкент шаҳар “Медиофарм ЭКО” репродуктив саломатлик хусусий клиникаси амалий фаолиятига жорий қилинган (Иммунология ва инсон геномикаси институтининг 2023 йил 22 сентябрдаги DSc 4a-1/003-сонли маълумотномаси); **илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: илмий натижаларнинг жорий қилиниши эркаклар бепуштлигини эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини амалга ошириш, касаллик асоратларини камайтириш, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, касалхонада даволаниш давомийлигини қисқартириш ҳамда бепуштликдан халос бўлишга имкон яратган; **илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Тошкент шаҳар “Медиофарм ЭКО” репродуктив саломатлик хусусий клиникаси амалий фаолиятига жорий қилинишида касалликни коррегишда 1 даволаниш курси шуни кўрсатдики, бир бемор учун самарадорлик 140351 сумни, эркаклар жинсий тизими ёрдамчи безлари фаолиятини ташхислашда иқтисодий самарадорлик 1 400 000 сўмни ташкил

қилган; **хулоса:** Ярмухамедов Алишер Салиджановичнинг «Эркаклар бепуштлигини коррегирлаш усули» ва «Бепуштликда эркаклар жинсий тизими ёрдамчи безлари фаолиятини ташхислаш алгоритми» номли услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 декабрдаги 8н-з/521-сонли маълумотномаси);

учинчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор эркакларда бирламчи бепуштлигини ривожланишида CFTR генини “оғир” мутацияларининг CFTR_F508del ($OR \geq 10,252$ Wald 95% CI: 1.279 >10.252 > 82.155, $\chi^2 \geq 7,198$) полиморфизми ва CFTR_W1282X ($OR \geq 7,33$ и Wald 95% CI: 0.849 >7 > 57.694, $\chi^2 \geq 4,37$) полиморфизмининг аҳамияти аниқланган; **илмий янгиликнинг аҳамияти:** эркакларда бирламчи бепуштлиги секретор ва идиопатик шаклларида CFTR генининг турли полиморф вариантлари полиморфизмининг кўпроқ даражада тарқалганлиги сабаб бўлиши билан изохлади; **илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Тошкент шаҳар “Медиофарм ЭКО” репродуктив саломатлик хусусий клиникаси амалий фаолиятига жорий қилинган (Иммунология ва инсон геномикаси институтининг 2023 йил 22 сентябрдаги DSc 4а-1/003-сонли маълумотномаси); **илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: илмий натижаларнинг жорий қилиниши эркаклар бепуштлигини эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини амалга ошириш, касаллик асоратларини камайтириш, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, касалхонада даволаниш давомийлигини қисқартириш ҳамда бепуштликдан халос бўлишга имкон яратган; **илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Тошкент шаҳар “Медиофарм ЭКО” репродуктив саломатлик хусусий клиникаси амалий фаолиятига жорий қилинишида касалликни коррегишда 1 даволаниш курси шуни кўрсатдики, бир бемор учун самарадорлик 140351 сумни, эркаклар жинсий тизими ёрдамчи безлари фаолиятини ташхислашда иқтисодий самарадорлик 1 400 000 сўмни ташкил қилган; **хулоса:** Ярмухамедов Алишер Салиджановичнинг «Эркаклар бепуштлигини коррегирлаш усули» ва «Бепуштликда эркаклар жинсий тизими ёрдамчи безлари фаолиятини ташхислаш алгоритми» номли услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 декабрдаги 8н-з/521-сонли маълумотномаси).

тўртинчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор бирламчи бепуштлик билан касалланган эркаклар гуруҳидаги CFTR генининг N1303K полиморфизми ($\chi^2 \geq 3,44$; $OR \geq 5,95$) ишонarli аҳамиятли эмаслиги, аммо кўп сонли текширувларда ушбу тенденциянинг сақланиши, эркакларда бепуштликни башорат қилиш маркери бўлиши мумкинлиги асосланган; **илмий янгиликнинг аҳамияти:** эркакларда идиопатик бепуштликка мойилликнинг шаклланиши CFTR генининг N1303K полиморфизми орқали башорат қилиш мумкинлиги билан изохлади; **илмий янгиликнинг**

амалиётга жорий қилиниши: илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Тошкент шаҳар “Мэдиофарм ЭКО” репродуктив саломатлик хусусий клиникаси амалий фаолиятига жорий қилинган (Иммунология ва инсон геномикаси институтининг 2023 йил 22 сентябрдаги DSc 4a-1/003-сонли маълумотномаси); **илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: илмий натижаларнинг жорий қилиниши эркаклар бепуштлигини эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини амалга ошириш, касаллик асоратларини камайтириш, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, касалхонада даволаниш давомийлигини қисқартириш ҳамда бепуштликдан халос бўлишга имкон яратган; **илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Тошкент шаҳар “Мэдиофарм ЭКО” репродуктив саломатлик хусусий клиникаси амалий фаолиятига жорий қилинишида касалликни коррегишлашда 1 даволаниш курси шуни кўрсатдики, бир бемор учун самарадорлик 140351 сумни, эркаклар жинсий тизими ёрдамчи безлари фаолиятини ташхислашда иқтисодий самарадорлик 1 400 000 сўмни ташкил қилган; **хулоса:** Ярмахамедов Алишер Салиджановичнинг «Эркаклар бепуштлигини коррегирлаш усули» ва «Бепуштликда эркаклар жинсий тизими ёрдамчи безлари фаолиятини ташхислаш алгоритми» номли услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 декабрдаги 8н-з/521-сонли маълумотномаси).

бешинчи илмий янгилик: **илмий янгиликнинг моҳияти:** илк бор турли генезли бирламчи бепуштлиги бўлган ўзбек популяциясидаги эркакларнинг Y хромосомасида аниқланган AZFb: sY127, AZFa: sY86 ва AZFc: sY254 делеция минтақалари ўзаро ишонарли даражада фарқли эмаслиги, аммо сперматогенезни бўзилишининг маҳсус маркери бўлганлиги учун ноҳуя башорат аҳамиятга эғалиги аниқланган; **илмий янгиликнинг аҳамияти:** бирламчи бепуштликнинг секретор ва идиопатик шакллари бўлган эркаклар Y хромосомасининг делеция минтақалари ўзаро ишонарли даражада фарқли эмаслиги ҳамда клиник кечишида мустақил омил бўлиб хизмат қилмаслиги изоҳланади; **илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Тошкент шаҳар “Мэдиофарм ЭКО” репродуктив саломатлик хусусий клиникаси амалий фаолиятига жорий қилинган (Иммунология ва инсон геномикаси институтининг 2023 йил 22 сентябрдаги DSc 4a-1/003-сонли маълумотномаси); **илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: илмий натижаларнинг жорий қилиниши эркаклар бепуштлигини эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини амалга ошириш, касаллик асоратларини камайтириш, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, касалхонада даволаниш давомийлигини қисқартириш ҳамда бепуштликдан халос бўлишга имкон яратган; **илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: Республика шошилич

тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Тошкент шаҳар “Мэдиофарм ЭКО” репродуктив саломатлик хусусий клиникаси амалий фаолиятига жорий қилинишида касалликни коррегишда 1 даволаниш курси шуни кўрсатдики, бир бемор учун самарадорлик 140351 сумни, эркаклар жинсий тизими ёрдамчи безлари фаолиятини ташхислашда иқтисодий самарадорлик 1 400 000 сўмни ташкил қилган; **хулоса:** Ярмухамедов Алишер Салиджановичнинг «Эркаклар бепуштлигини коррекциялаш усули» ва «Бепуштликда эркаклар жинсий тизими ёрдамчи безлари фаолиятини ташхислаш алгоритми» номли услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 декабрдаги 8н-з/521-сонли маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 15 та, шу жумладан 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 160 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эркакларда турли келиб чиқиши бирламчи бепуштлигининг замонавий концепцияси (адабиёт шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича олиб борилган илмий изланишлар батафсил кўриб чиқилади ва муаммони билиш даражаси аниқланади. Шарҳда эркакларда бирламчи бепуштлик ривожланишининг эпидемиологик ва патофизиологик хусусиятларининг замонавий тушунчалари, унинг иммуногенетик жиҳатлари, шунингдек, замонавий терапия усуллари ёритилган ва ҳал етилмаган муаммолар аниқланган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморлар тавсифи ва кўлланиладиган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ материаллар ва тадқиқот усуллари тавсифланади.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ССВ Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази урология ва андрология бўлими клиникаси ва Иммунология ва инсон геномикаси институтида маълумотлар таҳлил қилинди. 2018 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда кузатувда бўлган репродуктив тизимнинг турли касалликлари билан касалланган 756 нафар беморни текшириш ва урологик текширув натижалари таҳлили ўтказилди. Улардан 338 нафар эркакда турли келиб чиқиши бирламчи бепуштлик ташхиси қўйилган. Беморлар 3 гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳ - экскретор бепуштлик - 96 эркак (28,4%), 2-гуруҳ - секретор бепуштлик - 173 эркак (51,3%) ва 3-гуруҳ - идиопатик бепуштлик - 69 (20,3%).

2-гуруҳ эркаклари бепуштлик генезисига қараб 3 та кичик гуруҳга бўлинган: 1-кичик гуруҳ - 62 эркак (35,9%) эндокрин келиб чиқиши, 2-кичик гуруҳ - 70 эркак (40,1%) варикоцеле ва 41 эркак (24,0%) юқумли генезли келиб чиқиши.

Ташхис репродуктив касалликлар диагностикаси ва даволаш бўйича халқаро консенсусга мувофиқ клиник ва функционал маълумотлар асосида қўйилган. Ташхисни шикоятлар, касаллик тарихи ва текшируви, клиник ва инструментал тадқиқот усуллари, умумий қон ва сийдик тестлари, 4-стакан Меарес-Стамей тести, ЖССТ бўйича сперматологик текширув, МАР тести, сперма суюқликнинг биокимёвий кўрсаткичлари, қон зардобидаги гормонлар даражасини аниқлаш асосида амалга оширилди. Бактериал ва вирусли инфекциялар мавжудлигини текшириш, шунингдек, скротум, буйрақлар ултратовуш текшируви ва сперма томирларининг доплерографияси (варикоцелени истисно қилиш учун).

Иммунитет ҳолатини баҳолаш LT сериясининг моноклонал антикорлари ёрдамида лимфоцитлар популяциясини фенотиплаш, қон зардобида А, М, G иммуноглобулинлари концентрациясини, қон зардобида ва спермоплазмада яллиғланишга ёндошувчи цитокинлар даражасини аниқлашни ўз ичига олади.

Тадқиқот гуруҳларининг қон зардобида ва эякуляциясида IL-2, IL-6, TNF α таркибини аниқлаш учун уч босқичли "сендвич" усули қўлланилди - бу уч фазали Елишайнинг бир тури.

Биокимёвий тадқиқот усуллари қон зардобидаги инхибин B даражасини аниқлаш, спермоплазмада фруктоза, цинк ва ситрат миқдорини аниқлашни ўз ичига олади.

CFTR генининг полиморфизмини (саккизта мутация) ва Y хромосомасининг AZF генини аниқлаш учун бирламчи бепуштлиги бўлган барча эркакларда молекуляр генетик тадқиқотлар ўтказилди. Назорат гуруҳи 60 кишидан иборат эди.

Олинган маълумотлар Фишер-Студент ўзгарувчанлик статистикаси усули ёрдамида статистик ишловдан ўтказилди ва Пеарсон χ^2 тестидан фойдаланилди. Ўрганилаётган полиморфизмларнинг генотип тақсимоти Фишернинг аниқ тести ёрдамида Харди-Вайнберг мувозанатида кутилганига нисбатан синовдан ўтказилди (Weir, 1995).

Диссертациянинг «Бирламчи бепуштлик билан касалланган эркакларнинг клиник, инструментал ва лаборатория хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида диссертация клиник ва урологик текширувининг бевосита натижаларини ўрганишга бағишланган.

Беморларнинг ёши 19 ёшдан 46 ёшгача. Эркакларнинг ўртача ёши $32,8 \pm 0,2$ ёшни ташкил этди. Бепуштлик никоҳининг давомийлиги 205 (60,7%) эркакларда 1 йилдан 5 йилгача, 87 (25,7%) эркакларда 6 ёшдан 10 йилгача ва 46 (13,6%) беморнинг фарзанди бўлмаган, турмуш курганига 10 йилдан ортиқ бўлган.

Соматик касалликлар таҳлили шуни кўрсатдики, экскретор ва идиопатик бепуштлик билан оғриган беморларда гипертензия кўпроқ учрайди (мос равишда 12,4% ва 10,7%). 3-гуруҳдаги беморлар гуруҳида юрак-қон томир касалликлари тарихи 8,6% ни ташкил этди, бу экскретор ва секретор бепуштлик (5,1% ва 6,3%) бўлган гуруҳга қараганда анча юқори. 1-гуруҳдаги беморларнинг 17,6 фоизида ошқозон-ичак тракти касалликлари (ГЕРД, сурункали гастрит, ошқозон яраси ва гепатобилиар тизим касалликлари) аниқланган, бу 2-гуруҳ (15,4%) ва 3-гуруҳ (14,2%)га қараганда тез-тез учрайди. ЛОР касалликлари (аллергик ринит, сурункали тонзиллит ва синусит) билан касалланиш идиопатик бепуштлик гуруҳида (11,4%) юқори бўлган. Секретор бепуштлик гуруҳида эндокрин касалликлар кўпроқ аниқланган, ошқозон-ичак касалликлари эса экскретор бепуштлик билан касалланган гуруҳда кўпроқ аниқланган.

Репродуктив касалликларнинг асосий шикоятига кўшимча равишда, 139 (41%) беморда оғриқ синдроми, 98 (29%) беморда дизурик кўринишлар, 37 (10,9%) беморда простаторея қайд этилган.

Алкоголли ичимликларни истеъмол қилиш ва таққосланган гуруҳлардаги эркаклар ўртасида чекишнинг тарқалиши таҳлили шуни кўрсатдики, таққосланган гуруҳлардаги беморларда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва оғир чекиш кенг тарқалган, аммо гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар аниқланмаган: бепуштлик билан касалланган беморлар ва барча таққослаш гуруҳлари, бу токсик таъсирга тенг даражада сезгир эди.

ЖССТни тавсияларига кўра асосий гуруҳдаги беморлар спермограммасини ўрганилганда сперматозоидлар концентрацияси, спермаплазма ҳажми, сперматозоидларни ҳаракатчанлиининг пасайиши, шунингдек, Кругернинг катъий мезонларига кўра сперматозоидларни морфологиясининг ўзгаришини кўзатилади. Бепушт эркаклардан бўлган беморларнинг учта гуруҳида спермограмма параметрларида қуйидаги ўзгаришлар аниқланди: текширилган эркакларнинг биринчи гуруҳида барча беморларда азоспермия ташхиси қўйилган, иккинчи гуруҳда беморларнинг 35,8% азоспермия устунлиги кузатилган ва идиопатик бепуштлик гуруҳида олигоастенотератозооспермия билан оғриган беморлар кўпроқ 30,4% бўлган.


Бактериал ва вирусли инфекцияларнинг учраши бўйича солиштирилган гуруҳлари беморларининг эякулянтининг юқумли ҳолатини баҳолашда қуйидагилар аниқланди: 338 бемордан 22% беморларда ВПЧ скрининги ижобий бўлган, *Ureaplasma urealyticum* 13,3%, *Mycoplasma hominis* 10,4%,

Toxoplasmos 10,9%, Herpes simplex virus 2 47,6%, Chlamydia trachomatis 21,0%. Ушбу патогенларга IgM антитаначалари аниқланмади.

Бактериал микрофлора $1,2 \times 10^3$ КОЕ/млдан кам миқдорда ажратилган, бу диагностик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланмайди, беморларнинг эякулятига қуйидаги оилаларнинг вакиллари киритилган: Staphylococcaceae, Streptococcaceae, Enterobacteriaceae, E.coli. Асосий гуруҳлардаги беморларнинг эякулятининг микробиал ландшафтида кокклардан иборат флора устунлик қилди. Микст-инфекциялар 47,3% ҳолатларда кузатилди.

Беморларнинг эякуляциясидаги лейкоцитлар сонини ҳисоблашда уларнинг даражаси юқумли келиб чиқиши секретор бепуштлиги бўлган 3-гуруҳдаги 41 беморда соғломларга қараганда сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди ($P < 0,01$).

Эркакнинг гормонал фони унинг танасининг нормал фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Унинг шаклланиши жараёнида кўп миқдорда турли хил гормонлар ишлаб чиқарилади, улар нафақат жисмоний, балки эркакнинг жинсий саломатлигини ҳам белгилайди.



1-расм. Бепуштлик билан оғриган эркакларда гормонал ҳолатни баҳолаш

Барча 3 гуруҳдаги гормонлар даражасини таҳлил қилиш қуйидагиларни аниқлади: қалқонсимон безни оғоҳлантирувчи, лутеинлаштирувчи, фолликулларни оғоҳлантирувчи гормон, пролактин - бепушт эркаклардаги беморларнинг қон зардобида фақат иккинчи гуруҳдаги ФСГ ва ЛГ ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланган (1-расм). Барча беморларда умумий тестостерон миқдори нормал чегараларда эди ва сезиларли даражада фарқ қилмади.

Қон зардобида Б инхибин даражасини ўрганишда эндокринологик ўзгаришлар билан 2-гурухдаги бепушт эркакларда сезиларли пасайиш аниқланди ($p < 0,001$).

1-жадвал.

Бепуштлик ҳолатида спермограмманинг биокимёвий кўрсаткичлари

Вариантлар	Назорат гуруҳи (n=20)	Экскретор бепуштлиги бўлган эркаклар (n=96)	Секретор бепуштлиги бўлган эркаклар (n=173)	Идиопатик бепуштлиги бўлган эркаклар (n=69)
Фруктоза (ммол/л)	15,0±0,9*	7,4±0,5	6,1±0,4	8,7±1,2
Лимон кислотаси (ммол/л)	23,4±1,8*	18,3±1,3	16,7±1,5	19,1±1,1
Рух (ммол/л)	3,7±0,8*	1,9±0,3	1,4±0,1	1,7±0,5

Бепуштлик билан оғриган барча эркаклар эякулятида фруктоза, лимон кислотаси ва цинк ионлари концентрациясининг пасайишини кўрсатди, аммо энг паст даражалар секретор бепуштлиги бўлган эркакларнинг иккинчи гуруҳида эди (1-жадвал).

Биринчи гуруҳ эркакларда скротум, буйраклар, сийдик пуфаги ва простата беши органларининг доплерографияси ёрдамида ултратовуш текшируви натижаларига кўра, сурункали простатит белгилари ва вас деференсининг обструкцияси аниқланган. Иккинчи гуруҳда сурункали простатит белгилари, варикосел ва мойк ҳажмининг кичиклиги аниқланган. Ва идиопатик бепуштлик билан касалланган учинчи гуруҳ эркакларида ҳеч қандай анормаллик аниқланмади.

Диссертациянинг «**Бирламчи бепуштлиги бўлган эркакларнинг иммунитет тизимининг ҳолати**» деб номланган тўртинчи бобида репродуктив патологияси бўлган беморларни иммунологик текшириш натижалари келтирилган.

Уяли ва гуморал иммунитетни ўрганиш бўйича ўтказилган иммунологик тадқиқотлар барча ўрганилган гуруҳлардаги бепуштлик билан оғриган эркакларда Т хужайралари даражасининг пасайиши натижасида юзага келган номуносивбликни кўрсатди, уларнинг чуқурроқ етишмаслиги 2-гуруҳ эркакларида кузатилди.

Иммунитетнинг гуморал компоненти биринчи ва иккинчи гуруҳларда Б-лимфоцитлар миқдори ортиши билан тавсифланади ($P < 0,01$), 3-гуруҳ эркакларида эса бу кўрсаткич назорат гуруҳи билан ишонарли фарқларни аниқламади ва ўртача $27,2 \pm$ ни ташкил этди. 1,1%.

CD16+ хужайраларини миқдорий ўрганиш шуни кўрсатдики, бепушт эркакларда периферик қонда ўртача қиймати $13,4 \pm 1,2\%$ бўлган 12 дан 20% гача хужайралар мавжуд. Экскретор бузилишлар туфайли бепуштлиги бўлган эркакларда ва идиопатик шаклга ега бўлган гуруҳда бу хужайралар

даражаси мос равишда ўртача $25,2 \pm 1,2\%$ ва $19,3 \pm 0,9\%$ ни ташкил этди, бу назорат кўрсаткичларидан 1,88 ва 1,44 баравар юқори ($P < 0,01$). Ва секретор бепуштлиги бўлган эркакларда киллер фаоллик даражаси ишонарлили даражада камайди ва ўртача $8,2 \pm 1,0\%$ ни ташкил этди ($P < 0,05$).

CD25+ хужайраларининг фаоллашуви бепушт эркакларда кузатилган. IL-2 рецепторларини ташувчи лимфоцитлар сонининг кўпайиши (CD25+) ва IL-2 секрецияси даражаси 1 ва 3-гуруҳлардаги беморларда организмнинг ушбу жараёнга мослашув реакцияси сифатида кўриб чиқилиши керак.

1-гуруҳдаги эркакларда CD95+ хужайралари апоптози идиопатик шаклда биров ўсган ва секретор бепуштлик сезиларли даражада ошган - $33,6 \pm 1,2\%$ ($P < 0,01$).

Кейинчалик, инфертил эркакларда цитокин ҳолати ўрганилди, бу ерда синтез кўриб чиқилди IL-2, IL-6, TNF α .

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, IL-2 миқдори 1-гуруҳдаги эркакларда сезиларли даражада ошди ($P < 0,05$), 2 ва 3-гуруҳлардаги беморларда эса пасайиш кузатилди - $6,7 \pm 0,4$, 4 пг/мл ва $9,4 \pm 1,3$ пг/мл, назорат гуруҳидаги $12,3 \pm 1,0$ пг/мл га нисбатан ($P < 0,01$).

2-жадвал.

Текширилаётган эркакларда цитокинлар миқдори (пкг/мл) $M \pm m$


Цитокинлар, пг/мл	Назорат гуруҳ, n=20	1-гуруҳ, n=96	2-гуруҳ, n=173	3-гуруҳ, n=69
IL-2	$12,3 \pm 1,0$	$18,7 \pm 2,4$	$6,7 \pm 0,4$	$9,4 \pm 1,3$
IL-6	$18,2 \pm 1,7$	$46,8 \pm 1,9$	$69,5 \pm 2,3$	$22,6 \pm 1,6$
TNF α	$28,6 \pm 2,1$	$49,3 \pm 1,5$	$75,2 \pm 2,5$	$30,7 \pm 2,1$

Бизнинг тадқиқотларимизда бепушт эркакларда IL-6 даражаси назорат қийматларидан ошиб кетди. 2-гуруҳдаги эркакларда ўзгаришлар аниқроқ кузатилди, ва ўртача $69,5 \pm 2,3$ пг/мл тенг бўлди ($P < 0,01$).

TNF α –иммун хужайраларапоптозигасабаб бўлган цитокинлар оиласига киради. Обструкция билан боғлиқ бепуштлиги бўлган эркакларда TNF-аназоратдан 1,75 баравар юқори ($P < 0,01$). Ва секретор функцияси бузилганлиги билан боғлиқ бепуштлик билан эркакларда, ўртача $75,2 \pm 2,5$ пг/мл ни ташкил этди, бу назорат кўрсаткичларидан 2,62 марта ($P < 0,001$) ва 1-гуруҳдаги эркакларниқидан 1,52 баравар юқори ($P < 0,01$). Идиопатик бепуштликда ҳам TNF α даражасини ўсиш тенденцияси мавжуд эди. Назорат гуруҳидаги қийматлардан 1,07 баравар юқори.

Маҳаллий цитокин ҳолати ҳам таҳлил қилинди. Ўрганилган цитокинларда биз аниқлаган ўзгаришлар 1-гуруҳда ҳам, 2-гуруҳда ҳам даражаларнинг ошиши билан намоён бўлди (2-расм). ИФА натижаларига кўра, 1-гуруҳдаги IL-2 миқдорини ўртача қиймати $49,6 \pm 2,3$ пг/мл бўлган 20 дан 55 пг/мл гача ўзгарганлиги аниқланди. Иккинчи гуруҳда бу кўрсаткич назорат гуруҳидаги қийматлардан 2,3 баравар юқори ва ўртача $56,8 \pm 2,6$ пг/мл ($P < 0,001$) 35 дан 65 пг/мл гача бўлган маълумотлар диапазони билан. Ва 3-

гурухдаги IL-2 миқдори назорат гуруҳи билан сезиларли фарқларга эга эмас эди ва ўртача $27,4 \pm 1,7$ пг/мл ни ташкил этди.



2-расм. Текширилаётган эркакларнинг семинал суюқлигидаги цитокинлар даражаси (пг/мл)

Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, IL-6 сперматозоидлар сонининг тез кўпайишини ва жинсий хужайралар ва Сертоли хужайраларининг дифференциациясини таъминлайди.

Бизнинг тадқиқотларимизда 1-гурухдаги IL-6 даражаси 15 дан 30 пг/мл гача ўзгариб туради. Шу билан бирга, гуруҳдаги IL-6 нинг ўртача концентрацияси $27,4 \pm 1,2$ пг/мл ни ташкил этди, бу назорат кўрсаткичларидан 1,4 баравар паст ($P < 0,01$). 2-гурухда бу кўрсаткич 0 дан 40,0 пг/мл гача, ўртача қиймати $18,6 \pm 1,0$ пг/мл ни ташкил этди, бу назорат гуруҳидаги қийматлардан 2 баравар паст ($P < 0,001$). 3-гурухдаги IL-6 концентрацияси назорат кўрсаткичларидан 1,12 баравар пасайиш тенденциясига эга ва 16 дан 42 пг/мл гача, ўртача қиймати $34,1 \pm 2,2$ пг/мл ни ташкил этди.

3-жадвал.

Бирламчи бепуштлик билан оғриган беморларда АСТ даражаси

АСАТ	Экскретор бепуштлик (n=96)	Секретор бепуштлик (n=173)	Идиопатик бепуштлик (n=69)
0 – 9%	92,7 (89)	76,3 (132)	92,8 (64)
10 - 39%	5,22 (5)	16,8 (29)	7,20 (5)
40-50% ёки ундан кўп	2,08 (2)	6,90 (12)	1,44 (0)

Ниҳоят, 1-гурухдаги TNFα даражаси 35 дан 120 пг/мл гача бўлган. Шу

билан бирга, гуруҳдаги ўртача TNF- α концентрацияси $84,3 \pm 2,2$ пг/млни ташкил этди, бу назорат гуруҳидаги маълумотлардан 1,8 баравар юқори ($P < 0,01$). 2-гуруҳда бу кўрсаткич 50 дан 135 пг/млгача бўлган ўртача қиймати $99,7 \pm 2,4$ пг/млни ташкил этди, бу назорат маълумотларидан 2,1 баравар юқори ($P < 0,001$) ва 3-гуруҳда TNF α даражаси 25 дан 72 пг/млгача ўзгариб, ўртача қиймати $51,4 \pm 1,9$ пг/млни ташкил этди ва назорат гуруҳи билан сезиларли фарқларга эга эмас эди.

Ўз сперматозоидига қарши ишлаб чиқарилган IgG антитаначалари (АСАТ) даражасини баҳолашимиз шуни кўрсатдики, текширилган эркакларнинг эякулятида ($n=338$) АСАТ аниқланган барча ҳолатларнинг частотаси 15,6% ни, шу жумладан аниқлаш ҳолатларининг частотасини ташкил этди. АСАТ юқори концентрацияси бўлган сперма 4,44% ни ташкил этди (3-жадвал).

Экскретор бепуштлиқ билан оғриган беморларнинг 92,7% антитаначалар миқдори мьёрдаги чегараларда бўлган; 5,22% ҳолларда ушбу гуруҳнинг текширилган эркакларида АСАТ миқдорининг кўпайиши аниқланган ва унинг ҳаддан ташқари кўпайиши ушбу гуруҳнинг текширилган эркакларнинг 2,08% да кузатилган.

Секретор бепуштлиқ билан оғриган беморлар гуруҳида АСАТ нинг миқдори эркакларнинг 76,3% - 2,58 анъанавий бирликдан топилган, анъанавий бирлик 9,13 гача, эркакларнинг 16,8% ўз сперматозоидларига антитаначалар сони белгиланган меъёрдан бироз ошиб кетди ва беморларнинг 6,90% сезиларли ўсиш кузатилди.

Идиопатик бепуштлиқ билан оғриган гуруҳдаги беморларнинг 92,8% АСАТ даражаси нормал, эркакларнинг 7,20% эса унинг даражаси бироз ошган.

Секретор бепуштлиги бўлган гуруҳнинг қиёсий таҳлилида ўз сперматозоидига қарши G синф антитаначалар билан қопланган хужайраларнинг ўртача даражасининг сезиларли даражада ошиши секретор бепуштлиқ билан гуруҳда 3,25 марта ва идиопатик бепуштлиқ билан гуруҳда 3,79 марта кузатилди. ($P < 0,05$).

Шуни таъкидлаш керакки, секретор бепуштлиги бўлган эркакларда этиологик омилга қараб унинг даражасини таҳлил қилишда АСАТ таркибидаги статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар қайд этилган. Шундай қилиб, 2 ва 3 кичик гуруҳлардаги беморларда АСАТ даражаси 1-кичик гуруҳдаги беморларда худди шу кўрсаткичдан 4,78 ва 4,52 баравар юқори бўлиб, уларда эркак жинсий хужайраларининг ташкил этилишини тавсифловчи бу кўрсаткичлар нормал қийматлардан фарқ қилмайди. 33,5% ҳолларда.


АОС ни ташкил етувчи ферментлар орасида энг муҳими супероксид дисмутаза (СОД), асосий химоя функциясини бажарадиган антиоксидантдир. Бу фермент кислороддан фойдаланадиган барча хужайраларда мавжуд.

Идиопатик бепуштлиги бўлган эркакларда биз қон зардобидеги СОД даражасини текширдик. Шунингдек, тегишли ёшдаги ва жинсдаги (назорат

гуруҳи) 20 нафар соғлом эркекларнинг қон зардобида СОД даражаси аниқланди.

Идиопатик бепуштлик ва назорат гуруҳидаги эркеклар қонидаги СОД фаоллиги даражасини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қон зардобидаги СОД концентрацияси ($970,1 \pm 53,9$ пг/мл) назорат гуруҳидаги СОД даражасидан фарқ қилади ($1660,2 \pm 42,7$ пг/мл) ва 1,7 марта сезиларли даражада паст ($P < 0,05$).

Кейинчалик, биз идиопатик бепуштлик билан касалланган эркекларнинг қон зардобидаги СОД даражаси ва клиник, лаборатория ва иммунологик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилдик. Ўртача кучнинг олти тўғридан-тўғри алоқаси ва ўрта ва ўртача кучнинг беш тескари алоқаси аниқланди. Улардан СОД ва витамин Д ($p=0,49$), креатинин ($p=0,33$), карбамид ($p=0,39$), фруктоза ($p=0,36$), рух ионлари ($p=0,34$), IL-6 ($p=0,41$) ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд эди. Бунинг акси СОД ва сперматозоидларнинг нормал шакллари ($p=-0,48$), ЛГ ($p=-0,62$), CD25+ ($p=-0,31$), CD20+ ($p=-0,35$), АСАТ ($p=-0,43$) бўлиб чиқди. (3-расм).



3-расм. Идиопатик бирламчи бепуштлик билан гуруҳдаги корреляция

Турли параметрлар ўртасида топилган кўплаб корреляциялар идиопатик бепуштлик патогенезининг мураккаб механизмини кўрсатади, улар орасида СОД нинг Д витамини, фруктоза, цинк ионлари билан тўғридан-тўғри боғланиши, шунингдек, антисперм антикорлари билан қайта алоқа муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг барчаси антиоксидант дориларни қўллаш билан идиопатик бепуштликни даволашга оқилона ва шахсий ёндашув зарурлигини тақозо этади.

Диссертациянинг «**Эркеклардаги турли генезли бирламчи бепуштликнинг молекуляр-генетик маркерлари**» деб номланган бешинчи бобида келиб чиқиши турли бирламчи бепуштлиги бўлган эркекларда молекуляр генетик текширув натижалари келтирилган.

Эркек бепуштлигининг генетик омиллари орасида учта асосий омил

